

List of sources and references:

1. Дементьева А. Г. Эволюция корпоративных структур и система корпоративного управления. // Менеджмент сегодня, 2008. - №1. - С.3.
2. Mahoney P. The political economy of the securities act of 1933. UVA Law School, Legal studies working paper. #11. 2000. <http://ssrn.com/abstract=224729>.
3. Banner S. The origin of the New York stock exchange. *Journal of legal studies*. 1998. – P.1791-1860.
4. Elmirezayev S. E //ZAMONAVIY KORPORATIV BOSHQARUV // IQTISOD-MOLIYA // Toshkent, 2019-yil, 60-varoq.
5. Elmirezayev S. E //ZAMONAVIY KORPORATIV BOSHQARUV // IQTISOD-MOLIYA // Toshkent, 2019-yil, 61-63-varoqlar.
6. Chinkulov. K //THEORETICAL FOUNDATIONS OF FINANCING OF JOINT-STOCK COMPANIES THROUGH STOCKS// Academic Globe & Inderscience Research, ISSN: 2776-1010, Volume 3, Issue 6, June 2022.
7. Burkova N.V., Makovetskiy M.Yu. *Microeconomics. Resource markets, general equilibrium and market imperfections. Textbook/ Omsk, 2010. - P.152.*
8. Besnik Livoreka and others. *Theories on Dividend Policy Empirical Research in Joint Stock Companies in Kosovo / / Procedia Economics and Finance 14 (2014) 387-396, p.387. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2212567114007278>.*
9. Khamidova FA. *Analysis and ways of attracting portfolio investments in privatized enterprises. Diss.... Ph.D., -T., 2008. - P.3.*
10. Grechenyuk Antona and others. *Peculiarities of formation shareholders' equity and liabilities of Russian joint stock companies // Procedia Economics and Finance 39 (2016) 165-175, p.165. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2212567116302696>.*
11. Makovetskiy M.Yu. *Equity financing as a mechanism for attracting investments by corporations / / Actual problems of the humanities and natural sciences. 2014. No. 8-2. P. 57.*
12. Kuvshinov, D., Zimmermann, K. (2022). *The big bang: Stock market capitalization in the long run. Journal of Financial Economics, 145(2), 527–552. <https://doi.org/10.1016/j.jfineco.2021.09.008>.*
13. Syverson, C. (2019). *Macroeconomics and Market Power: Context, Implications, and Open Questions. Journal of Economic Perspectives, 33(3), 23–43. <https://doi.org/10.1257/jep.33.3.23>.*
14. Farooq, U., Tabash, M., Anagreh, S., Khudoykulov, K. (2022). *How do market capitalization and intellectual capital determine industrial investment? Borsa Istanbul Review, 22(4), 828–837. <https://doi.org/10.1016/j.bir.2022.05.002>.*
15. Bazaluk, O., Zhykharieva, V., Vlasenko, O., Nitsenko, V., Streimikiene, D., & Balezentis, T. (2022). *Optimization of the Equity in Formation of Investment Portfolio of a Shipping Company. Mathematics, 10(3), 363. <https://doi.org/10.3390/math10030363>.*
16. Erna Delić and Amra Gadžo// *IMPACT OF SIZE OF JOINT STOCK COMPANIES AND OWNERSHIP STRUCTURE IN THE APPLICATION OF ACCOUNTING CONCEPT OF FAIR VALUE IN FB&H// Journal of Accounting and Economics, Page No: 119-126.*
17. Krugman.O.M, *International Economics Theory & Policy/ Ninth edition/ January 1, 2012, Page No: 598.*
18. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015 yil 24 apreldagi " Aksiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni,1-ilova.
19. <https://uzautomotors.com/investors#report>
20. JSC "UzAuto Motors"// *ANNUAL FINANCIAL REPORTS/ December 31, 2019-2021, pages 9-18.*
21. JSC "UzAuto Motors"// *ANNUAL FINANCIAL REPORTS/ June 30, 2022, pages 6-20.*
22. <https://www.amazon.com/>
23. *UNITED STATES SECURITIES AND EXCHANGE COMMISSION//ANNUAL REPORT/AMAZON.COM, INC FORM 10-K/December 31, 2021, pages 31-70.*
24. *UNITED STATES SECURITIES AND EXCHANGE COMMISSION//ANNUAL REPORT/AMAZON.COM, INC FORM 10-K/December 31, 2017-2020, pages 30-68.*
25. <https://www.tesla.com/>
26. *Tesla Inc//FINANCIAL STATEMENT-2020//December 31, 2020, pages 20-32.*
27. *Tesla Inc//FINANCIAL STATEMENT-2021//December 31, 2021, pages 16-31.*
28. Elmirezayev S. E //ZAMONAVIY KORPORATIV BOSHQARUV // IQTISOD-MOLIYA // Toshkent, 2019-yil, 69-128-varoqlar.
29. Ш.Абдужабборов. *Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш нимани кўрсатди?// Корхонани бошқариш. – Тошкент, 2017. - №10. <https://e.management.mcf.uz/article.aspx> асосида тузилди.*



ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА БЮДЖЕТ СИЁСАТИ ТАҲЛИЛИ

Баратов Саъдулла Норжигитович -
ТДИУ Самарқанд филиали докторанти

 doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a51

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни давлат бюджетидан қўллаб-қувватлаш ва бу борадаги бюджет сиёсати таҳлил қилинган ҳамда унинг амалий аҳамиятини асослашга хизмат қиладиган тавсиялар, хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: камбағаллик, бюджет сиёсати, давлат бюджети, бюджет харажатлари, ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш.

Баратов Саъдулла Норжигитович -
Докторант Самаркандского филиала ТДИУ

Аннотация. В статье проанализировано государственное бюджетное обеспечение реализуемых в нашей стране мер по сокращению бедности и бюджетная политика в связи с этим, а также сформулированы рекомендации и выводы, обосновывающие ее практическую значимость.

Ключевые слова: бедность, бюджетная политика, государственный бюджет, расходы бюджета, социальная защита, образование, здравоохранение.

POVERTY REDUCTION BUDGET POLICY ANALYSIS IN UZBEKISTAN

Baratov Sadulla Norjigitovich -
Doctoral student of the Samarkand branch of the
Tashkent State University of Economics Samarkand

Abstract. The article analyzes the state budgetary provision of the measures implemented in our country to reduce poverty and the budgetary policy in this regard, as well as formulates recommendations and conclusions substantiating its practical significance.

Keywords: poverty, budget policy, state budget, budget expenditures, social protection, education, healthcare.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар йўналишлари таркибида камбағалликни қисқартириш масаласи кун тартибига чиққанига кўп бўлмаган бўлса-да, бу унинг янги масала эканлигини англатмайди. Ўзбекистон шароитида камбағалликка қарши курашишга янги эмас, балки кечиктирилган масала сифатида қаралмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Ҳукуматимиз томонидан камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни давлат бюджетидан молиялаштиришда манзиллилик тамойили муҳим хусусият касб этмоқда. Маблағларнинг аниқ мезонлар асосида танлаб олинган аҳоли қатламига етиб бориши маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, давлат бюджети маблағларидан камбағалликка қарши кураш тадбирларини молиялаштиришда аниқ қоидаларни илмий асосда ишлаб чиқиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Рус олими Е.Андреева ва бошқалар камбағалликни қисқартиришда давлат харажатларининг иккита ролини қайд этиб ўтади. Унинг фикрича, давлат нафақаларини бериш камбағалликка қарши курашда икки йўналишда таъсир этиши лозим:

- давлат нафақаларини олувчи мақсадли қатлам ўртасида камбағалликнинг камайиши;
- мамлакатда умумий камбағаллик даражасининг пасайиши.

Бу борада амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра, нафақа олувчи оилалар ўртасида камбағаллик 49 фоиздан 29 фоизга ижобий ўзгарган. Мамлакат даражасида ҳисоблаганда эса пул даромадлари бўйича умумий камбағаллик миқдори 13,4 фоиздан 12,8 фоизга камайган [1].

Шунингдек, Д.Бычков давлатнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмлари борасида фикр билдириб, суғуртавий ва суғуртасиз методларни ҳам келтириб ўтади [2]. Унга кўра, ижтимоий қўллаб-қувватлаш қуйидаги турларда амалга оширилиши назарда тулади:

- бюджетдан ташқари жамғармалар орқали мажбурий ижтимоий суғурта бадалларини тўлаб бериш;

- бюджетнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари – а) категорияли (аҳоли даромадлари инобатга олинмайди) имтиёз ва тўловлар; б) аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш (даромадлар инобатга олинган ҳолда).

Келтириб ўтилган тадқиқотлар хулосаларида давлатнинг ижтимоий сиёсати камбағалликни микро ва макродаражада бошқариш учун муҳим эканлиги таъкидланган. Шунингдек, категорияли ва манзилли ижтимоий ҳимоя фаолияти ҳам фаол ва нофаол ижтимоий сиёсат кўринишларини ўзида акс эттиради десак, хато бўлмайди.

Бу каби илмий хулосаларни ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Д.Мирходжа мактаб таълимини молиялаштиришда ваучерли тизим-

ни қўллашни таклиф этади [3]. Ушбу методни қўллаш орқали кам даромадли аҳоли қатламлари ҳам хусусий мактабларда тўловларни давлат ҳисобидан амалга ошириш имконияти юзага келишини қайд этади. Шу билан бирга, давлат мактабларида “стуллар етишмаслиги”ни барта- раф этиш, оилаларнинг ҳудудлар кесимида мобиллигини таъминлаш каби вазифаларни ҳал этиши қайд этиб ўтилади.

М.Умурзақова ўзининг илмий ишида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда суғуртанинг ролига эътибор қаратади. Ушбу тадқиқотда ҳам давлатнинг мажбурий ижтимоий суғурта амалиёти соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш имкониятини кенгайтиришни қайд этса, бошқа жиҳатдан ижтимоий ҳимоянинг мустақам шаклларида бири вужудга келишига урғу бериб ўтади [4].

Доц. Х.Боев эса ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг муҳим ролини изоҳлашга ҳаракат қилади [5]. Унинг хулосасига кўра, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш асосида кўрсатилган бепул хизматларнинг умумий ижтимоий хизматлардаги улушини оширишни тавсия этади. Жумладан, булар сирасига таълим, соғлиқни сақлаш ва нафақахўрларга айрим маиший хизматлар киришини қайд этиб ўтади.

Фикримизча, камбағалликка қарши курашишда тизимлиликни таъминлаш учун фаол ва нофаол ижтимоий сиёсат элементларидан оқилона фойдаланиш иқтисодий барқарорликка эришишда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса маблағлардан фойдаланиш самарадорлигига эришиш учун камбағалликка қарши курашни доимий равишда баҳолаб боришни тақозо қилади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг мақсади бўлиб, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришда олиб борилаётган бюджет сиёсатининг таҳлили асосида илмий-назарий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Тадқиқотда меъёрий-ҳуқуқий ҳуж-

жатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижалари билан белгиланди.

Мавзуни ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Халқаро тажрибада камбағаллик муаммо сифатида эътироф этилган даврлардан бошлаб Ўзбекистонда у турлича атаб келинган. Шу билан бирга, турли кўринишда эътироф этилган камбағалликни қисқартиришдаги асосий муаммо уни тан олиш бўлган бўлса, кейинги ўриндаги йирик масала сифатида бюджет маблағларининг чекланганлиги сабаб қилиб кўрсатилган.

Мазкур масалага тўхталиб ўтган Жаҳон банки мутахассислари А.Фоззард ва бошқалар бюджет сиёсатини ўз ичига олган камбағалликни қисқартириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда қуйидагиларга эътибор бериш кераклигини таъкидлаган [6]:

харажатларни таҳлил қилиш сифатини ошириш;

ўрта истиқболдаги бюджетни шакллантириш;

давлат молиясини бошқаришнинг минимал стандартларини татбиқ этиш;

сифатга эътибор қаратиш;

кенг иштирокни рағбатлантириш.

Камбағалликни қисқартиришда бюджет сиёсати устуворликларидан фойдаланиш кенг тарқалган амалиёт бўлиб, бу бирданига бир нечта усулларни ўз ичига қамраб олиши мумкинлиги билан ҳам жозибадордир.

Бизнингча, камбағалликни қисқартиришда бюджет сиёсатини давлат бюджети харажатлари таркибини таҳлил қилишдан бошлашимиз мақсадга мувофиқ.

1-жадвал

Давлат бюджети харажатлари таркиби тўғрисида маълумот (трлн. сўмда) [7]

№	Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
1.	Харажатлар жами	49,3	79,7	118,0	144,1	188,6	236,7
2.	Ижтимоий харажатлар	27,2	42,9	63,5	74,2	92,6	117,7
3.	Иқтисодиёт харажатлари	5,3	8,5	18,5	16,7	21,7	34,1
4.	Инвестиция харажатлари	3,2	5,4	7,0	18,8	29,3	27,8
5.	Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура ва суд органларини сақлаш харажатлари	1,9	3,1	5,3	7,8	8,5	11,5


1-жадвалда давлат бюджети харажатлари таркиби тўғрисида маълумот келтирилган бўлиб, унга кўра 2017-2022 йилларда давлат бюджети харажатлари доимий ўсиб бориш тенденциясига эга. Бизнингча, давлат бюджети хара-

жатларининг бундай юқори суръатларда ўсиши бюджет сиёсатида туб ислохотлар ҳамда ўзгаришлар амалга оширилаётганлигини англатади. Харажатлар ўсишини унинг таркиби бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2022 йилда 2017 йил-

га нисбатан ижтимоий соҳа харажатлари 4,3 баробарга, иқтисодиёт харажатлари 6,4 баробарга, инвестиция харажатлари 8,7 баробарга, давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура ва суд органларини сақлаш харажатлари 6 баробарга ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

Фикримизча, давлат бюджети харажатларининг барча таркибий қисмлари бевосита камбағалликни қисқартиришга хизмат қилади.

Хусусан, давлат бюджети харажатлари таркибида энг катта улушга эга бўлган ижтимоий соҳа харажатлари (1-расм) камбағалликни қисқартириш билан бир қаторда унинг салбий оқибатлари олдини олиш ёки юмшатишга хизмат қилади.



1-расм. Давлат бюджети харажатлари улуши таҳлили [8]

Бу эса ижтимоий соҳа харажатлари ва унинг таркибини алоҳида таҳлил қилиш заруратини юзага келтириши сабабли унинг қуйида батафсил таҳлилин аналга оширамиз. Шунинг учун 1-жадвал доирасида эътиборимизни ижтимоий соҳа харажатларидан бошқа харажатларга қаратамиз.

Камбағалликни қисқартиришга энг катта ҳисса қўшиши мумкин бўлган бюджет харажатлари иқтисодиёт харажатларидир. Иқтисодиёт харажатлари давлатнинг давлат бюджети орқали иқтисодиётга таъсирини таъминловчи энг асосий харажатлар йўналиши ҳисобланади.

Иқтисодиёт харажатлари таркибига сув ҳўжалиги эксплуатацияси харажатлари, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилиш ҳамда уй-жой коммунал ишлари киритилди [9]. Харажатлар таркибидан кўришимиз мумкинки, иқтисодиёт харажатлари камбағалликни қисқартиришда бевосита ва билвосита таъсирга эга. Ушбу харажатлар бир томондан аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга хизмат қилса, бошқа томондан иш ўринларини яратишда муҳим ҳисобланган ресурсларни етказиб беришга хизмат қилади.

Давлат бюджети харажатларининг кейинги энг муҳим ва йирик гуруҳи инвестиция харажатларидир.

Инвестиция харажатлари 2017 йилдан 2023 йилга қадар ўтган беш йил мобайнида 8,7 баробарга ўсганлиги унинг жуда муҳим харажат гуруҳига айланганини билдиради. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, инвестиция харажатларининг ўсиши 2020 йилда юз берган пандемия шароитида кўплаб соғлиқни сақлаш объектлари қурилиши ҳисобига ортган. Шу билан бирга, 2021 йилда унинг миқдори 29,3 трлн. сўмга етган ва 2022 йил натижаларига кўра 27,8 трлн. сўмни ташкил этмоқда. Бизнингча, инвестиция харажатлари камбағалликни қисқартиришда яқин ва узоқ истиқболда ўзининг ўрнига эга.

Хусусан, яқин истиқболда инвестиция харажатлари қурилиш орқали кўпгина иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартиришга хизмат қилса, узоқ истиқболда инфратузилмани яхшилаш ҳамда янги ижтимоий соҳа объектларини фойдаланишга топшириш орқали иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга ўзининг ҳиссасини қўшади.

Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура ҳамда суд органларини сақлаш харажатларининг ўсиши ушбу тизимларда меҳнат қиладиган ходимларнинг ойлик иш ҳақлари оширилиши ҳамда янги давлат бошқаруви органларининг ташкил этилиши орқали юз берган. Хусусан, давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура ҳамда

суд органларини сақлаш харажатларига давлат бюджетидан 2017 йилда 1,9 трлн. сўм йўналтирилган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 11,5 трлн. сўмни ташкил қилган. Мазкур харажат давлат органлари ходимларининг иш ҳақлари оширилиши ҳамда янги иш ўринлари яратилиши орқали давлат бошқарувида сифатнинг ортиши, албатта, камбағалликни қисқартиришга кўмак беради.

Бундан ташқари давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура ҳамда суд органлари ўз фаолияти билан барча соҳаларга, жумладан, улар орқали амалга оширилаётган камбағалликни қисқартириш сиёсатининг барча жабҳаларига ва бу тўғридан-тўғри таъсирини ўтказиши билан ҳам муҳимдир. Шу билан бирга, ижтимоий харажатларнинг камбағалликни қисқартиришдаги аҳамиятини изоҳлаш мақсадида қуйида унинг таҳлилини амалга оширамиз.

2-жадвал

Ижтимоий соҳа харажатлари таркиби тўғрисида маълумот (трлн. сўмда) [10]

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Жами ижтимоий харажатлар	27,2	42,9	63,5	74,2	92,6	117,7
<i>шундан:</i>						
Таълим	16,0	20,7	33,5	30,0	39,6	50,3
соғлиқни сақлаш	7,3	9,4	15,0	19,4	23,3	27,3
маданият ва спорт	0,8	1,3	2,4	2,3	3,6	4,3
фан	0,3	0,4	0,7	0,8	1,1	1,5
нафақалар, моддий ёрдам ва компенсациялар	2,2	3,2	4,7	8,2	10,8	19,4
аҳоли бандлиги даражасини ошириш харажатлари	0,4	0,6	1,2	1,3	0,8	0,7
Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига субсидиялар				9,1	11,3	11,1
уй-жойлар қуриш дастурида қатнашаётган банклар учун кредит линиялари	0,2	3,6	4,1	1,9	0,7	1,0

Бизнингча, 2-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш орқали қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

– ижтимоий соҳа харажатлари бошқа харажат гуруҳлари каби ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда. Жумладан, ижтимоий соҳа харажатлари 2022 йилда 117,7 трлн. сўмни ташкил этгани ҳолда 2017 йилга нисбатан 4,3 баробарга ортган;

– таълим харажатлари ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисмини ташкил қилгани ҳолда ўсиб бориш тенденциясини кўрсатмоқда. Биргина 2020 йилда (30,0 трлн. сўм) пандемия сабабли миқдор жиҳатидан 2019 йилга (33,5 трлн. сўм) нисбатан паст бўлган бўлса-да 2022 йилда 50,3 трлн. сўмни ташкил этиб, юқори ўсиш тенденциясига қайтган;

– соғлиқни сақлаш харажатлари ҳам ижтимоий соҳа харажатлари таркибида салмоқли ўринни эгаллаган ва 2017-2022 йилларда доимий ўсиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилга нисбатан (7,3 трлн. сўм) 2022 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига 3,7 баробар кўпроқ харажат қилинган ва 27,3 трлн. сўмни ташкил этган;

– маданият ва спорт ҳамда фанга харажатлар ҳам ўсиб бормоқда. Жумладан, 2017 йилга нисбатан 2022 йилда ушбу соҳа харажатлари қарийб 5 баробарга ўсган;

– ижтимоий соҳа харажатлари таркибида нафақалар, моддий ёрдам ва компенсациялар харажатлари энг юқори ўсиш тенденциясига эга харажат моддаларидан бири бўлиб, 2022 йилда

19,4 трлн. сўмни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан қарийб 8,8 баробарга ўсган;


– аҳоли бандлиги даражасини ошириш харажатлари ҳам ижтимоий соҳа таркибидан жой олган бўлиб, нобарқарор ўсиш суръатларига эга. Хусусан, 2017 йилда мазкур йўналишда 0,4 трлн. сўм харажат амалга оширилган бўлса, 2022 йилга келиб, бу 0,7 трлн. сўмга етган. Лекин 2019 ва 2020 йилларда мазкур мақсадларга мос равишда 1,2 ва 1,3 трлн. сўм йўналтирилган. Бизнингча, ушбу йилларда аҳоли бандлиги даражасини ошириш харажатларининг ортиши бевосита ишсизлик даражасининг ортиши ҳамда пандемия билан боғлиқ;

– 2020 йилдан бошлаб Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига субсидиялар ажратилаётган бўлиб, мазкур харажатни амалга ошириш учун 2021 ва 2022 йилда мос равишда 11,3 ва 11,1 трлн. сўм йўналтирилган;

– уй-жойлар қуриш дастурида қатнашаётган банклар учун кредит линиялари харажат йўналиши ижтимоий соҳа харажатлари таркибидаги алоҳида йўналиш бўлиб, унда ҳам нобарқарор ўзгаришлар кузатилган. 2017 йилда мазкур харажат йўналишига 0,2 трлн. сўм йўналтирилган бўлса, 2018 йилда бу миқдор 3,6 трлн. сўмга, 2019 йилда 4,1 трлн. сўмга етган. 2020 йилда мазкур харажат 1,9 трлн. сўмгача камайган бўлса, 2022 йилда 1,0 трлн. сўм йўналтирилган.

2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, ижтимоий соҳа харажатларининг аксарият таркибий қисмлари ўсиб бориш тенденциясини кўрсатмоқда. Улардаги ўсишнинг турлича эканлиги умумий ижтимоий соҳа харажатлари таркибидаги харажатларнинг улуши ўзгаришига олиб келган. Бундай ўзгаришлар эса

камбағалликни қисқартиришда бюджет воситаларининг энг йириги бўлган ижтимоий соҳада олиб борилаётган сиёсатнинг йўналишини аниқлашга хизмат қилади. Буни ижтимоий соҳа харажатлари таркибининг умумий харажатлардаги улушини (2-расм) таҳлил қилиш орқали аниқлашимиз мумкин, назаримизда.



2-расм. Ижтимоий соҳа харажатлари улуши таҳлили [11]

2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2017-2022 йиллар оралиғида ижтимоий соҳа харажатлари таркибидаги харажатлар йўналишларининг умумий харажатлардаги улушида ўзгаришлар юз берган. Жумладан, ижтимоий соҳа харажатлари таркибида энг катта улушга эга бўлган таълим харажатларининг жами ижтимоий соҳа харажатларидаги улуши 2017 йилда 58,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 42,8 фоизга ёки 2017 йилга нисбатан қарийб 16 фоизга камайган. 2022 йил давомида мазкур харажат йўналиши мос равишда 41,5 фоизни ташкил этган ҳолда 2017 йилга нисбатан 17,2 фоизга камайган. Шундай бўлсада, бизнингча, таълим харажатлари улушининг бундай камайиши унга бўлган эътиборнинг пасайганидан эмас, балки бу харажат йўналиши умумий ижтимоий соҳа ва бошқа бюджет харажатларидан камроқ ўсаётганидан деб баҳолаш лозим. Фикримизни таълим харажатларининг миқдор жиҳатидан доимий ўсиб бораётгани билан асослаш мумкин.

Соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларининг умумий ижтимоий соҳа харажатларидаги улуши 2017 йилда 26,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб 25,2 фоизга, 2022 йил давомида 22,7 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур харажат йўналишида бир қарашда 2017 ва 2021 йиллар оралиғида катта ўзгариш юз бермагандек туюл-

са-да (фарқ -1,8 фоиз), аслида харажатлар улуши 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 5 фоизга, 2019 йилда эса 3,4 фоизга пасайган. Фақатгина 2020 йилда бошланган пандемия оқибатларини бартараф этиш учун бюджетдан маблағлар ажратилганлиги боис соҳага ажратилган маблағларнинг жами ижтимоий соҳага ажратилган маблағлардаги улуши 2020 йилда 26,1 фоизга, 2021 йилда 25,2 фоизга етди. Бизнингча, соғлиқни сақлаш соҳасига берилаётган эътибор камбағалликни қисқартиришнинг асосий жиҳатларини ўзида намоён қилади. Чунки таълим ва соғлиқни сақлаш инсон капиталини шакллантиришда жуда муҳим ва муқобили йўқ соҳалар ҳисобланади. Шу маънода соғлиқни сақлаш харажаларининг ижтимоий соҳа харажатларидаги улуши доимий ўсиб бориши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Маданият ва спорт харажатларининг жами ижтимоий соҳа харажатларидаги улуши 2017-2022 йилларда мунтазам ўсиб бориш тенденциясига эга. Жумладан, 2017 йилда харажатлар улуши 2,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда 3,9 фоизга етиб, улуши 1,1 фоизга ортган. Фикримизча, маданият ва спорт харажатлари таълим ва соғлиқни сақлашга билвосита ёрдам берадиган йўналишлар бўлиб, уларнинг ривожлантирилиши аслида таълим ва соғлиқни сақлашни яхшилашга хизмат қилади. Бу ўринда мазкур харажатлар улушининг ортиши

таълим ва соғлиқни сақлаш каби инсон капитални шакллантиришда ва оширишда ёрдамчи вазифаларни бажаради.

Нафақаларга харажатларни камбағалликни қисқартиришда бюджет сиёсатининг 2017-2022 йиллар ижтимоий соҳа таркибидаги энг асосий воситаси сифатида айтиб ўтиш керак, назаримизда. Чунки нафақалар миқдори ва миқёсини кенгайтириш, айниқса, пандемия туфайли камбағаллик чегарасига келиб қолган аҳоли қатламини камбағалликдан сақлаб қолишда катта роль ўйнади ва бугунги кунда ҳам унинг аҳамияти пасайган эмас. Хусусан, 2017 йилда нафақаларнинг жами ижтимоий соҳадаги улуши 8,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 7,6 фоизни, 2019 йилда 7,5 фоизни ташкил этгани ҳолда пасайган, лекин 2020 йилда 11,0 фоизни, 2021 йилда 11,7 фоизни ҳамда 2022 йил давомида 17,4 фоизни ташкил этмоқда. Бизнингча, ижтимоий нафақалар камбағалликни қисқартиришда кўпроқ “мудофаа” вазифасини бажаради. Яъни мавжуд камбағалликни қисқартиришга эмас, кўпроқ унинг ортишига йўл қўймасликка хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий нафақалар оилалар ва фуқаролар ҳаётининг маълум бир даврида (масалан, касаллик ёки кўп болали оилаларнинг фарзандлари вояга етгунига қадар) камбағаллик “қопқонига” тушиб қолмасликлари учун вақтинчалик маблағ билан таъминлашда яхши самара беради. Ижтимоий нафақаларнинг миқдор ва улуш жиҳатидан ортиб бориши ҳамда камбағалликни қисқартиришдаги муҳим восита эканлигини инobatга олиб, қуйида уларни таркибан алоҳида таҳлил қилиш орқали фикримизни хулосалаймиз.

Бундан ташқари 2-расмда аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш йўналишининг яна бир асосий қисми бўлган аҳоли бандлигини ошириш харажатлари улуши камайиб бориш тенденциясига эгаллиги акс этган. Хусусан, 2017 йилда аҳоли бандлигини ошириш харажатларининг жами ижтимоий харажатлардаги улуши 1,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 0,9 фоизни, 2022 йил давомида 0,6 фоизни ташкил этмоқда. Бизнингча, бунга сабаб аҳоли бандлигини ошириш бўйича бошқа йўналишлар, масалан, субсидиялашга ўтилатганлигидир. Фикримизча, ҳақиқатан ҳам, аҳоли бандлигини ошириш учун қисқа муддатга ишсизлик нафақаси беришдан кўра манзилли ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар хара-

жатларини қоплашга йўналтирилган субсидиялаш амалиёти кўпроқ самарали бўлади.

Камбағалликни қисқартиришнинг яна бир муҳим элементи, албатта, пенсия таъминоти ҳисобланади. Мазкур йўналишда ҳам мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2020 йилдан бошлаб, Пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш учун бюджетдан субсидиялар ажратиш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, унинг 2020 йилдаги жами ижтимоий харажатлардаги улуши 12,3 фоизни ташкил қилган. 2021 йилда ҳам мазкур улуш 12,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2022 йил давомида 9,8 фоизни ташкил этмоқда. Бизнингча, пенсия таъминоти билан қамраб олинган қатлам, яъни пенсионерлар доимий равишда камбағаллик чегарасида бўладиган қатлам ҳисобланади ва уларни доимий ва манзилли қўллаб-қувватлаш орқали камбағалликдан сақлаб туриш мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур харажат улушининг ортиб бориши камбағалликни қисқартиришда муҳим аҳамиятга эга.

Хулосалар ва таклифлар. Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш учун бюджет сиёсатидан фойдаланишда қуйидаги харажат йўналишларига асосий устуворлик берилмоқда:

1. Инсон капитални ривожлантириш юзасидан ижтимоий соҳа (шу жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш) харажатлари.

2. Иқтисодий ўсишнинг асосий шартларидан бўлган инфратузилмани яратиш учун инвестиция ва иқтисодиёт харажатлари.

3. Аҳоли даромадларларини оширишга хизмат қилувчи тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш (масалан, субсидиялаш ва кафолатлар тизими) харажатлари.

4. Мавжуд камбағаллик даражасининг ошишига йўл қўймаслик мақсадида ижтимоий кам таъминланган ва камбағаллик чегарасида бўлган аҳолига пенсия ва ижтимоий нафақаларга харажатлар.

5. Барча даражадаги камбағалликни қисқартириш тадбирларини самарали амалга ошириш учун давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура ва суд органлари фаолияти харажатлари.

Бизнингча, мазкур харажат йўналишлари камбағалликни қисқартиришда восита сифатида тан олинган барча йўналишларни қамраб олади ва яқин келажакда мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга хизмат қилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Андреева Е., Бычков Д.Г., Фектистова О.А. Новые меры социальной поддержки семей с детьми: оценка государственных расходов. // Финансовый журнал. – М., 2018. № 2. С. 36-47.
2. Бычков Д.Г., Фектистова О.А., Андреева Е. Инвентаризация бюджетных мер в сфере социальной защиты населения: на пути к адресности системы мер социальной поддержки. // Международный бухгалтерский учет журнал. – М., 2016. № 17. С. 46-62.

3. Мирходжа Д.А. Ўзбекистонда мактаб таълимини молиялаштиришни такомиллаштириш. И.ф.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТДИУ, 2021. – 61 б.
4. Умурзақова М.Н. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда тиббий суғуртани ривожлантириш истиқболлари. И.ф.ф.д. ... автореферати. – Т.: ЎЗМУ, 2021. – 57 б.
5. Боев Х.И. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш – давлатнинг бош вазифаси. // Иқтисод ва молия журнали. – Т., 2020. № 4 (136). 127-133-б.
6. Fozzard A., Holmes M., Klugman J. va Withers K. A sourcebook for Poverty Reduction Strategies:Core techniques and cross-cutting issues. Интернет манба: www.documents.worldbank.org Мурожаат қилинган сана: 2023 йил 25 март, 188-189 бетлар.
7. 1-жадвал Молия вазирлиги маълумотлари. Интернет манба: www.mf.uz Мурожаат қилинган сана: 2023 йил 25 март.
8. 1-расм 1-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
9. Молия вазирлиги маълумотлари. Интернет манба: www.mf.uz Мурожаат қилинган сана: 2023 йил 8 февраль.
10. 2-жадвал Молия вазирлиги маълумотлари. Интернет манба: www.mf.uz Мурожаат қилинган сана: 2023 йил 25 март.
11. 2-расм 2-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
12. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар” тўғрисида маъруза. 2020 й.
13. Сычева В.С. «Бедность и её измерение», Социология: 4М, 2012, №15, с.129.
14. Тогаев С. Коллеж битирувчиларини кредитлаш – аҳоли бандлигини оширишнинг асосий истиқболли йўналиши сифатида. 2017.
15. Пардаев М., Пардаев О. Мамлакатимизда камбағаллик даражасини камайтириш йўллари. // Логистика ва иқтисодиёт журналы. 2020 й.
16. Тогаев С. Qishloq joylaridagi iqtisodiy nochor korxonalarini sog'lomlashtirishda bank xarajatlari va ularni optimallashtirish masalalari. 2014.
17. Жумаев Н.Х., Раҳмонов Д.А. Жаҳон иқтисодиётининг янги иққирози – иқтисодий ҳаракатсизлик. 2020 йил 3 апрель. Манба: <https://www.review.uz/>



НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИ ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИНИ ДАВЛАТ -ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ишманова Динора Нурмамад қизи -
Миллат Умиди Университети ректори
PhD, доцент

doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a52

Аннотация. Ушбу мақолада инфратузилмалар тушунчаси, уларнинг иқтисодий тавсифи ва нефть-газ корхоналаридаги ҳозирги ҳолати таҳлили келтирилган бўлиб, нефть-газ корхоналари инфратузилмаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш, табиий газ етказиб бериш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва сотишдаги табиий йўқотишлар меъёрини камайтириш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан инвестиция киритиш, корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишда инновацион кластерларни амалиётга жорий этиш, монопол корхоналарга бериладиган давлат субсидияларини қисқартириш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Калит сўзлар: нефть-газ корхоналари, инфратузилма, монопол тармоқ, давлат аралашуви, стратегик бошқарув, давлат-хусусий шерикчилиги.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ УПРАВЛЕНИЯ ИНФРАСТРУКТУРОЙ НЕФТЕГАЗОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ НА ОСНОВЕ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА

Ишманова Динора Нурмамад қизи -
Ректор Университета Миллат Умиди
к.э.н., доцент

Аннотация. В данной статье рассмотрено понятие инфраструктур, их экономическое описание и анализ текущей ситуации на нефтегазовых предприятиях, совершенствование механизма управления инфраструктурами нефтегазовых предприятий, снижение нормы естественных потерь при снабжении, транспортировке, распределении и реализации, природного газа, инвестирование иностранными и отечественными инвесторами, реализация инновационных кластеров для повышения конкурентоспособности предприятий и научных исследований, направленных на совершенствование управления на основе государственно-частного партнерства в целях сокращения государственных субсидий предприятиям-монополистам на основе технико-экономического обоснования.

Ключевые слова: предприятия нефтегазового комплекса, инфраструктура, монополия, вмешательство государства, стратегическое управление, государственно-частное партнерство.